

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ



Бобоқул Тошев

**Юристар малакасини ошириш марказининг
Қонунчилик техникаси ва коррупцияга қарши экспертиза
кафедраси мудир, юридик фанлар доктори
(b.toshev@mail.ru)**

**Ўзбекистон Республикасида норма
ижодкорлигини такомиллаштиришга оид
давлат сиёсати қуйидаги ҳужжатларда
белгиланган:**

- Конституцияда;
- Қонунларда;
- Президент фармонларида;
- Президент қарорларида;
- Ҳукумат қарорларида;
- Давлат бошқаруви органлари
ҳужжатларида.

Нима учун норма ижодкорлиги фаолияти такомиллаштирилади :

- Ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлаш учун;
- Қонунчилик асосларини кучайтириш учун;
- Ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш учун;
- Ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир хилликка эришиш учун;
- Халқаро мажбуриятларни бажариш учун;
- Ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш учун;
- Қонунчиликни тизимлаштириш ва ихчамлаштириш учун;
- Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун.

Норма ижодкорлиги фаолияти такомиллаштирилиши қўйидагилар бевосита боғлиқ:

- Давлат олий ҳокимият органларининг бўлиниш принципига;
- Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг тўғри йўлга қўйилишига;
- Ҳуқуқни қўллаш амалиётига;
- Хорижий тажрибага;
- Илм-фан натижаларига;
- Назарий қарашларга.

Ҳуқуқий макон

2021 йил 1 август ҳолатида [Lex.uz](https://lex.uz) миллий қонунчилик базасида жами 99706 та ҳужжат жамланган, шундан 1228 та қонун (шундан, 6 та конституциявий қонун, 18 та кодекс), Президентнинг 5749 та фармони ва 7377 та қарори, Ҳукуматнинг 28296 та қарори ва вазирлик ва давлат қўмиталарининг 22130 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинган (<https://lex.uz/statistic>).

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан
2018 йил 8 август куни “Норма ижодкорлиги
фаолиятини такомиллаштириш концепциясини
тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5505-сонли фармони
қабул қилинди. **Фармон билан:**

- “Норма ижодкорлиги фаолиятини
такомиллаштириш концепцияси”;
- “Норма ижодкорлиги фаолиятини
такомиллаштириш концепциясини амалга
ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар
режаси” тасдиқланди.
- **Комиссия таркиби тасдиқланди (15 киши)**

Фармонда асосий мақсад қилиб қўйидагилар белгиланган:

- мамлакатимизда ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлаш;
- норма ижодкорлигини кенгайтириш;
- бозор иқтисодиёти қонуниятларига тўлиқ жавоб берадиган тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш;
- амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштириш;
- ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилишнинг олдини олиш;
- 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш.

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг тузилиши

I. Қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни Ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш

III. Норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

IV. Норма ижодкорлигида "ақлли тартибга солиш" модели элементларини қўллаш

V. Норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини Такомиллаштириш


VI. Мазкур концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар.

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссияга қуйидаги вазифалар юкланди


- Концепция ва Амалий чора-тадбирлар режасини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқишни ва белгиланган тартибда киритишни таъминлаш;
- Концепцияни амалга ошириш доирасида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, илмий доиралар ва хорижий экспертларни кенг жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот конференцияларини ташкил этиш;

- қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидагилар асосида қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;
- аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи (сайлов тизими, архитектура ва қурилиш, таълим, инвестициялар, тадбиркорлик фаолияти ва бошқалар) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш;
- амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳолда ижтимоий муносабатларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан амалий ва самарали тартибга солиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида мустаҳкамлаш талаб этиладиган юқори юридик кучга эга нормаларни белгилаш;
- идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш;
- умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш;
- асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларининг мавжудлиги;



идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига ўтказиш ва “тартибга солиш гильотинаси” усулини қўллаш орқали қолган ҳужжатларни, шу жумладан, қонунчиликни тизимлаштириш доирасида ҳар бир идоранинг ваколатини босқичма-босқич камайтириш ва бекор қилишни назарда тутувчи, улар томонидан қабул қилинаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш бўйича таклиф киритиш



қонунчиликни тизимлаштириш
жараёнида фойдаланиш мақсадида
халқаро ташкилотларнинг таклиф ва
тавсиялари, кўриб чиқилиши зарур
бўлган халқаро шартномалар
талаблари ҳамда мажбурий тартибда
риоя қилиниши керак бўлган ва
хуқуқий базадан чиқариб
юборилмайдиган талаблар бўйича
ягона оммабоп рўйхатнинг
шакллантирилишини таъминлаш

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 26 мартдаги 2419-III/КҚ-523-III-сонли Қўшма қарори билан «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти» тасдиқланган (*2-илова*).
- Услубиёт 5 боб, 114 банддан иборат.

Норма ижодкорлигини такомиллаштириш- дан асосий мақсад нима?

- **11-модда.** Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.
- **16-модда.** Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 май "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5997-фармонида:

- ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан норма ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш;
- давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таъминлаш;
- фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш борасида адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг»
2020 йил 22 июнь «Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикасининг миллий
стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги
ПФ-6012-сон фармонида

- 5 та янги кодекс қабул қилиш;
- 7 та кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрь «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **ПФ-6075**-сон **фармони** қабули қилинди

- Фармонга мувофиқ 2020 йилнинг октябрь ойига қадар Президент томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг 498 таси ўз кучини йўқотган деб топилиб, 121 тасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.
- Биринчи босқичда Президентнинг 500 га яқин фармон ва қарорлари бекор қилинди.
- Хатлов натижасида аниқланган Ҳукуматнинг 2 мингдан ортиқ эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини бекор қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.
- Қонунчилик базасининг 90 фоизидан ортиқроғини қонуности ҳужжатлари ташкил этади.

Эндиликда:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш лойиҳани ишлаб чиққан идора ва ташкилотлар томонидан **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали** (regulation.gov.uz)дан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;
- амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш **ҳуқуқий мониторинг бўйича электрон майдончадан** фойдаланган ҳолда амалга оширилади;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш **“E-Qaror” ягона электрон тизимдан** фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ!

